



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 12 » may

№ 255

Toshkent sh.

### **Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ–5252-сон қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

**а) Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:**

жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир фоизини уларнинг фискал белгили чеклари солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қайтариш;

чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида нақд пул ёки банк карталари, шу жумладан, корпоратив карталар орқали сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларнинг банк карталарига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтариш;

**б) Махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсларга пул мукофотини тўлаш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:**

солиқ органларини жисмоний шахслар томонидан аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида “Soliq hamkor” махсус ахборот тизими орқали хабардор қилиш;

солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилганлик учун бир марталик пул мукофоти шаклида рағбатлантиришни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган солиқ ҳуқуқбузарликлари учун белгиланган жарималарнинг йигирма фоизи миқдоридида белгилаш;

хариддорларга нақд пул маблағлари ёки пластик карталар бўйича тўлов шаклига қараб нархлар сунъий равишда оширилганлиги ёки пасайтирилганлиги, тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширилганлиги, идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлиги ёки маркировка мавжуд эмаслиги, шунингдек, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларининг бузилиши аниқланган бошқа ҳолатлар тўғрисида солиқ органларини хабардор қилганлик учун жисмоний шахсларга бир марталик пул мукофотини тўлаш.

## 2. Белгилансинки:

солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказиб бўлмайдиган чекларни чоп этувчи (шакллантириладиган) онлайн назорат-касса машинаси қурилмалари ҳамда виртуал касса дастурий маҳсулотлари аниқланганда;

маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) электрон миллий каталогининг товарлар (хизматлар) идентификация кодлари реестри янгиланмаганлиги ёки касса чекларида нотўғри акс эттирилганлиги ҳолатлари аниқланганда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси техник хизмат кўрсатиш марказларини Давлат реестридан чиқаради.

## 3. Шундан тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

мазкур қарорга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми ва солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилганлик учун бир марталик пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланадиган ваколатли банк орқали тўланади;

солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар бўйича сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми ушбу чеклар мазкур қарорда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунидан кейин қайтарилади.

Солиқ органларига сайёр солиқ текширувларини ўтказиш доирасида планшетлар ва бошқа компьютер техникасидан фойдаланиш, шунингдек, сайёр солиқ текширувлари билан боғлиқ ҳужжатларни электрон рақамли имзодан (бармоқ изи ёки график имзодан) фойдаланган ҳолда электрон шаклда расмийлаштириш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида онлайн назорат-касса техникасидан фойдаланишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ–5252-сон қарорига мувофиқ:

2022 йил 1 январдан бошлаб рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдоси билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари учун онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировкалаш кодларини тўғри ўқиш ва аниқлашни таъминлайдиган махсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талаби белгиланганлиги;

2023 йил 1 январга қадар тадбиркорлик субъектларига ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган фойда солиғи ёки айланмадан олинадиган солиқ ёхуд яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаларини онлайн назорат-касса машинаси ҳамда махсус қурилмаларнинг ҳар бирини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар суммасига, лекин битта қурилма учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш ҳуқуқи берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:**

рақамли маркировкаланган маҳсулотлар чакана савдосини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан онлайн назорат-касса машинаси ва виртуал кассага уланган, штрих-кодлар ва рақамли маркировкалаш кодларини тўғри ўқиш ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмалардан (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) мажбурий фойдаланиш талабига риоя этилишини таъминласин;

онлайн назорат-касса машинаси ҳамда рақамли маркировкалаш кодларини тўғри ўқиш ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларни (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) сотиб олган тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари берилиши тўғрисида кенг тарғибот ишлари бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг 2-банди расмий эълон қилинган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “12” майдаги 255 - сон қарорига  
1-илова

## **Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларга қайтариш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом аҳолига сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом қоидалари Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар фуқароларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга (кейинги ўринларда – жисмоний шахслар) нисбатан қўлланилади.

3. Жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир фоизи (кейинги ўринларда – товарлар (хизматлар) бир қисми) уларнинг фискал белгилари чеклари солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган тақдирда қайтарилади.

4. Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми нақд пул ёки банк карталари, шу жумладан, корпоратив карталар орқали чакана савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларида қайтарилади.

5. Нақд пул ёки банк карталари, шу жумладан, корпоратив карталар орқали сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми жисмоний шахснинг банк картасига Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида қайтарилади.

### **2-боб. Фискал белгилари чекларни рўйхатдан ўтказиш ва сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш тартиби**

6. Жисмоний шахслар томонидан онлайн назорат-касса техникаси чеки солиқ органларининг махсус мобил иловасида харид чекининг фискал белгисини матрицали штрих-код (QR-код) ёрдамида сканерлаш ёки фискал белгисини киритиш, шунингдек, солиқ органларининг ахборот тизимларига интеграция қилинган электрон тижорат платформалари — Маркетплейслар орқали мобил телефон рақамини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Корпоратив карта орқали товарлар (хизматлар) сотиб олинган ҳолларда, солиқ органларининг махсус мобил иловасида онлайн назорат-касса техникаси чекини рўйхатдан ўтказганда жисмоний шахсларнинг банк картаси рақами кўрсатилади.

Ушбу Низомда назарда тутилган сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш мақсадида солиқ органларининг махсус мобил иловасида идентификация ва рўйхатдан ўтиш солиқ органларининг махсус дастурида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг мобил телефон рақамига келиб тушган ҳавола бўйича рўйхатга олиш коддини киритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ органлари чекни рўйхатдан ўтказаетган шахсни аниқлаш мақсадида, у томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш учун махсус мобил илова орқали онлайн назорат-касса техникаси чекини рўйхатдан ўтказишда жисмоний шахсларнинг шахсий идентификация рақамини кўрсатишни талаб қилиши мумкин.

7. Жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми қайтариб олинмишида қуйидаги фискал белгили онлайн назорат-касса машиналари чеклари солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилмайди:

берилган кундан бошлаб ўн календарь кун ўтган чеклар;

аввал рўйхатдан ўтказилган ёки сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми қайтарилган чеклар;

автомобиль, ҳаво ва темир йўл чипталарини сотиб олиш натижасида олинган, шунингдек, алоқа ва коммунал хизматлар учун амалга оширилган тўлов чеклари;

шубҳали харидорлар реестрига киритилган жисмоний шахслар чеклари.

8. Шубҳали харидорларнинг реестрига бошқа шахсга тегишли бўлган онлайн назорат-касса техникаси чекини унинг рухсатсиз олиб қўйиш ва (ёки) ҳуқуқбузарлик содир этиш, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш ҳуқуқидан фойдаланишини чеклашга олиб келадиган бошқа ҳолатлар орқали товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ва (ёки) тўғридан-тўғри қайтариш ҳуқуқини олган жисмоний шахслар рўйхати киритилади.

Шубҳали харидорлар реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) томонидан юритилади.

Шубҳали харидорлар реестрига жисмоний шахсларни киритиш махсус мобил илова орқали ўн беш ёки ундан ортиқ шахслар томонидан онлайн назорат-касса техникасининг чекини уларнинг рухсатсиз олиб қўйиш ва (ёки) ҳуқуқбузарлик содир этиш орқали товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш ва (ёки) тўғридан-тўғри қайтариб олиш ҳуқуқини олганлиги тўғрисида шикоят қилинган тақдирда амалга оширилади.

9. Давлат солиқ қўмитаси қуйидаги ҳолларда жисмоний шахсларни шубҳали операциялар реестридан чиқаради:

жисмоний шахслар томонидан товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ҳуқуқини олишнинг қонунийлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ёки суд қарори тақдим этилганда;

жисмоний шахслар шубҳали харидорлар реестрига киритилган кундан бошлаб ўн икки календарь ой ўтганидан кейин.

10. Жисмоний шахсларга сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Молия вазирлиги) томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан қайтарилади.

Жисмоний шахсларга сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Жисмоний шахсларга сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми солиқ органларининг махсус мобил иловасида фискал белгили чеклар рўйхатдан ўтказилган ойдан кейинги ойнинг йигирма бешинчи кунидан кейин қайтарилади.

12. Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойнинг йигирма бешинчи санасидан кечиктирмай аввалги календарь ойида жисмоний шахслар томонидан солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар тўғрисидаги ахборотни ва улар бўйича жисмоний шахсларга қайтариладиган суммалар бўйича буюртмани Молия вазирлигига тақдим этади.

13. Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитасининг буюртмасига биноан Молия вазирлиги Ғазначилигидаги Давлат солиқ қўмитасининг махсус ҳисобварағига буюртма олган кундан сўнг бир иш кунидан кечикмай жисмоний шахсларнинг солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклари асосида қайтариб бериш учун маблағларни ўтказди.

Молия вазирлиги томонидан тўлаб берилган маблағлар етарли бўлмаганда ёки Давлат солиқ қўмитасининг Молия вазирлиги Ғазначилигидаги махсус ҳисобварағида маблағлар бўлмаган ҳолатларда Давлат солиқ қўмитаси сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсларга Давлат солиқ қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш ҳуқуқига эга.

14. Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги томонидан пул маблағлари ўтказилгандан кейин бир иш кунидан кечиктирмай уларни Молия вазирлиги хузуридаги Ғазначилигидаги махсус ҳисобварағидан ваколатли банкда очилган ҳисобварағига ўтказади.

15. Давлат солиқ қўмитаси товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг реестрларини ваколатли банкка ҳар ойда, кейинги ойнинг йигирма бешинчи санасига қадар тақдим этади.

16. Давлат солиқ қўмитаси топшириғига асосан, ваколатли банк пул маблағларини кейинги ойнинг йигирма бешинчи санасидан сўнг сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтган фискал белгили чеклар асосида қайтариш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг банк карталарига ўтказади.

17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддаси иккинчи қисми 16-бандига мувофиқ, жисмоний шахс томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиниши ушбу жисмоний шахснинг жами даромадига киритилмайди.

18. Махсус мобил иловада рўйхатдан ўтган онлайн назорат-касса техникасининг чеклари асосида солиқ органлари томонидан жисмоний шахсларга тўланган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисми суммалари қайтариб берилмайди ва солиқ органлари томонидан уларнинг ундирилиши амалга оширилмайди. Шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар содир этиш орқали товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

19. Агар, жисмоний шахс онлайн назорат-касса техникаси чекини махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказишда, ушбу онлайн назорат-касса техникаси чеки бошқа шахс томонидан махсус мобил иловада рўйхатга олинганлигини аниқласа, ушбу жисмоний шахс товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ҳуқуқидан онлайн назорат-касса техника чекини махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказган шахс фойдасига воз кечиши ёки ушбу шахс томонидан товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ва (ёки) қайтариш ҳуқуқини онлайн-касса техникаси чекини ноқонуний тарзда эгаллаган ҳолда ва (ёки) ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолда олганлиги тўғрисида шикоят қолдириши мумкин.

Бошқа жисмоний шахс томонидан бундай чек ва товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш ҳуқуқи олинганлиги муносабати билан товарларни (хизматларни) сотиб олган ва махсус мобил иловада онлайн назорат-касса техникасининг чекини рўйхатдан ўтказолмаган жисмоний шахс



қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Агар жисмоний шахс томонидан ушбу бандда назарда тутилган шикоят, товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш учун онлайн назорат-касса машинаси чекини махсус мобил илова орқали рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсга тўлов амалга оширилгунга қадар қолдирилган бўлса, Давлат солиқ қўмитаси онлайн назорат-касса машинаси чекини рўйхатдан ўтказган жисмоний шахсга товар қийматининг бир қисмини тўлашни тўхтатиб туради. Бундай ҳолатда, товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш, тақдим этилган ҳужжатлар орқали ёки бошқа маълумотлар орқали товарлар (хизматлар) хариди амалга оширилганлиги ва онлайн назорат-касса техникаси чеки олинганлигини тасдиқлаган жисмоний шахсга амалга оширилади.

Товарларни (хизматларни) сотиб олиш ва онлайн назорат-касса машиналарининг чекини олганлик фактини аниқлашнинг иложи бўлмаган тақдирда, товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш суд қарори асосида амалга оширилади.

20. Давлат солиқ қўмитаси куйидаги ҳолларда товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб беришни тўлиқ ёки қисман рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли:

товарлар (хизматлар) сотувчиси томонидан солиқ органларига солиқ ҳисоботлари тақдим этилмаганда ва (ёки) 1 миллион сўмдан ортиқ солиқ қарздорлиги мавжуд бўлганда;

аҳоли билан ҳисоб-китоблар тўғрисида онлайн режимда келиб тушадиган маълумотлар ва солиқ органларида мавжуд бўлган бошқа маълумотлар асосида товарларни сотиш ва сотиб олишда товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олишга қаратилган ҳуқуқбузарлик белгилари аниқланганда;

онлайн назорат-касса техникаси чекини рўйхатдан ўтказган жисмоний шахснинг шубҳали харидорлар реестрига киритилганлиги;

сотиб олинган товарлар номенклатурасида бўлмаган товарлар билан савдо қилинганда ёки сотилган товарлар сони сотиб олинган товарлар сонидан кўп бўлганда;

онлайн назорат-касса техникалари чекларида идентификация кодлари ва штрих-кодлари нотўғри акс эттирилиши аниқланганда ёки уларда солиқ органлари маълумотлар базасида йўқ идентификация кодлари ва штрих-кодлари билан акс эттирилганда;



солиқ органларининг ахборот тизимларида жисмоний шахслар томонидан онлайн назорат-касса машиналари чекларини рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги;

жисмоний шахслар томонидан рўйхатдан ўтказилган онлайн-назорат касса техникалари чеклари билан боғлиқ бўлган товарларни (хизматларни) сотишдан тушган даромад суммаларини сотувчи томонидан солиқ ҳисоботида акс эттирилмаслиги.

Давлат солиқ қўмитаси онлайн назорат касса техникаси чекини солиқ органларининг мобиль иловасида рўхатдан ўтказган жисмоний шахсдан унинг ҳақиқий харидлари тўғрисидаги тасдиғини сўраб олишга, харид ҳақиқатда ушбу жисмоний шахс томонидан амалга оширганлиги шубҳали бўлган тақдирда товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтаришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

21. Ушбу Низом мақсадларида маиший хизмат турлари деб онлайн назорат-касса техникасидан мажбурий фойдаланилган ҳолда аҳолига кўрсатиладиган пуллик барча хизматлар турлари тушунилади, бундан хаво ва темир йўл транспорти орқали йўловчи ташиш хизматлари ҳамда алоқа ва коммунал хизматлар мустасно.

22. Ушбу Низом мақсадларида умумий овқатланиш хизматлари деб қандолатчилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, сотиш ва истеъмол қилишни ташкил этиш фаолияти тушунилади.

### **3-боб. Онлайн назорат-касса техникаси чекларига тузатиш киритилишининг бажарилишини назорат қилиш**

23. Жисмоний шахс томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш учун солиқ органларининг махсус мобил иловаси орқали рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чекка товарлар (хизматлар) сотувчиси томонидан тузатиш киритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг хулосаси асосида амалга оширилади.

24. Жисмоний шахс томонидан сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш учун махсус мобил иловада рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чекка тузатиш киритиш учун товарлар (хизматлар) сотувчилари солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали Давлат солиқ қўмитасига тегишли ариза юборадилар.

25. Давлат солиқ қўмитаси ариза келиб тушган кундан бошлаб уч кун ичида жисмоний шахс томонидан харид қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш учун солиқ органларининг махсус иловаси орқали рўйхатга олинган онлайн-касса чекларини махсус мобил

иловада тузатиш киритиш имконияти бор ёки йўқлиги тўғрисида товарлар (хизматлар) сотувчисига хулоса юборади.

26. Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш учун махсус мобил иловаси–орқали рўйхатдан ўтказилган онлайн-касса чекларига тузатиш киритиш жисмоний шахс томонидан ушбу ҳолатларнинг юзага келганлик сабаблари махсус мобил иловада кўрсатилган тақдирда амалга оширилади.

27. Давлат солиқ қўмитаси харид қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини жисмоний шахсга қоплаб берилишининг ҳамда жисмоний шахс томонидан харид қилинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариб олиш учун махсус мобил иловада рўйхатдан ўтказилган фискал белгили ойлайн НКМ чекларига сотувчилар томонидан тузатишлар киритилишининг асослилигини текширади.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

28. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

29. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Сотиб олинган товарлар (хизматлар)  
қийматининг бир қисмини жисмоний  
шахсларга қайтариш тўғрисидаги низомга  
илова

Сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини  
жисмоний шахсларга қайтариш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
<b>I. Солиқ органларига сотиб олиш қийматининг бир қисмини қайтариш ҳуқуқи тўғрисида хабар бериш</b>			
1-босқич	Товар (хизмат) харидори	Онлайн назорат-касса машиналари чекларини солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказди	Чек олинган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечиктирмасдан
2-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Ўтган календарь ойида жисмоний шахслар томонидан солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар тўғрисидаги ахборот ва улар бўйича жисмоний шахсларга қайтариладиган суммалар юзасидан буюртмалар ҳаққонийлигини текширади	Жисмоний шахс томонидан товарлар (хизматлар ) харид қилинган ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар
<b>II. Товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш</b>			
3-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Ўтган календарь ойида жисмоний шахслар томонидан рўйхатга олинган фискал белги қўйилган чеклар тўғрисидаги маълумотларни солиқ органларининг махсус мобил иловасида ва улар бўйича жисмоний шахсларга қайтариладиган суммалар тўғрисидаги аризаларни Молия вазирлигига тақдим этади	Жисмоний шахс томонидан харид қилинган ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар

4-босқич	Молия вазирлиги	Давлат солиқ қўмитасининг махсус ҳисобрақамига жисмоний шахсларнинг солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилган фискал белгили чеклар асосида қайтариб бериш учун маблағларни ўтказди.	Буюртма олган кундан сўнг бир иш кунидан кечиктирмасдан
5-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Қабул қилинган маблағларни ваколатли банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказди	Бир кундан кечиктирмасдан
6-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Ваколатли банкка товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ҳуқуқига ега бўлган жисмоний шахслар реестрини тақдим этади	Ҳар ойнинг 25-санасига қадар
7-босқич	Банк	Солиқ органларининг махсус мобил иловасида фискал белгиси қўйилган рўйхатдан ўтган чеклар асосида сотиб олинган товарлар (хизматлар) қийматининг бир қисмини қайтариш ҳуқуқига ега бўлган жисмоний шахсларнинг банк карталарига пул маблағларини ўтказди	Ҳар ой кейинги ойнинг 25-санасидан бошлаб

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “ 12 ” майдаги 255- сон қарорига  
2-илова

**Махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган  
ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний  
шахсларга пул мукофотини тўлаш тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом жисмоний шахслар томонидан аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларини хабардор қилиш ва уларни мукофот тўлаш йўли билан рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда жисмоний шахслар деб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлат фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар эътироф этилади.

3. Жисмоний шахслар томонидан аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органлари солиқ органларининг “Soliq hamkor” (кейинги ўринларда – махсус дастур) махсус ахборот тизими орқали хабардор қилинади.

4. Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларини махсус дастур орқали хабардор қилган жисмоний шахслар учун бир марталик пул мукофоти шаклидаги рағбатлантириш белгиланади.

5. Жисмоний шахсларга аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларини хабардор қилганлик учун бир марталик пул мукофоти Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида тўланади.

6. Жисмоний шахсларга бир марталик пул мукофоти онлайн назорат-касса техникаси ва ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш тартиби бузилганлиги, нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар бўйича тўлов шаклига қараб нархлар сунъий равишда оширилганлиги ёки пасайтирилганлиги, тадбиркорлик фаолияти давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга оширилганлиги, идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировкалаш назарда тутилган маҳсулотларда қалбаки маркировка қўлланилганлиги ёки маркировка мавжуд эмаслиги, шунингдек, савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларининг бузилиши аниқланган бошқа ҳолатлар тўғрисида солиқ органларини хабардор қилганлик учун тўланади.

7. Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилганлик учун бир марталик пул мукофоти тарзидаги рағбатлантириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 221-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган солиқ ҳуқуқбузарликлари учун белгиланган жарималарнинг йигирма фоизи миқдорида юмшатовчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат солиқ қўмитаси) ушбу бандда кўрсатилган бир марталик пул мукофоти тарзидаги рағбатлантиришни солиққа оид ҳуқуқбузарликни содир этган шахс (кейинги ўринларда – айбдор шахс) жарима суммасини тўлагунга қадар Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан тўлаб бериш ҳуқуқига эга.

Бунда жисмоний шахсга бир марталик пул мукофотини тўлаш учун қилинган харажатлар кейинчалик айбдор шахс томонидан тўланган жарималар ҳисобидан қопланади.

8. Ушбу Низомнинг 4-бандида назарда тутилган мукофотлар айбдор шахсдан ундирилган жарималари ҳисобидан қуйидаги тартибда молиялаштирилади:

ундирилган жариманинг 20 фоизи жисмоний шахсга тўлаб берилади;

ундирилган сумманинг 80 фоизи қонунчиликда белгиланган тартибда Давлат бюджети ва Давлат солиқ қўмитасининг моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ўртасида тақсимланади.

9. Рағбатлантириш, агар жисмоний шахс томонидан тақдим этилган маълумотлар ҳақиқатга мос бўлса ва айбдор шахсга нисбатан солиқ органининг ёки суднинг жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори қонуний кучга кирган бўлса, амалга оширилади.

## **2-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилиш**

10. Солиқ органлари аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларининг махсус дастури орқали қуйидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда хабардор қилинади:

содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик тури;

солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этган хўжалик юритувчи субъект жойлашган жой.

11. Аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида солиқ органларини хабардор қилишда, жисмоний шахс солиқ органларининг махсус дастурида қуйидаги маълумотларни кўрсатади:

мобил телефон рақами;

банк картаси рақами.

Солиқ органларини солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида хабардор қилган ва бир марталик пул мукофоти тўланиши керак бўлган жисмоний шахсни аниқлаш ва ҳисобга олиш ушбу Низомда назарда тутилган тартибда жисмоний шахснинг мобил телефон рақамига келиб

тушган ҳавола орқали солиқ органларининг махсус дастурида рўйхатга олиш кодини киритиш йўли билан амалга оширилади.

Бир марталик пул мукофотини олиш учун солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларига хабар берган шахсни аниқлаш мақсадида солиқ органлари улардан махсус мобил илова орқали жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақамини кўрсатишни талаб қилиши мумкин.

12. Ушбу Низомнинг 10 ва 11-бандларида назарда тутилган маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаганда, солиқ органлари жисмоний шахснинг аниқланган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳолатлари ҳақида хабарномасини кўриб чиқмайди.

13. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича аниқланган ҳолатлар ва материаллар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

14. Айнан битта хўжалик юритувчи субъект бўйича содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги хабарлар бир нечта жисмоний шахслардан олинган тақдирда, хабарларни кўриб чиқиш ва бир марталик пул мукофотини тўлаш солиқ органлари томонидан ҳар бир тадбиркорлик субъекти бўйича алоҳида ва фақат солиқ органларининг ахборот тизимида биринчи навбатда тан олинган ва аниқланган жисмоний шахснинг хабарномасига кўра амалга оширилади.

Ушбу бандда назарда тутилган хабарларнинг қолган қисми бўйича, шунингдек, солиқ органларининг ахборот тизимида илгари тан олинган ва аниқлаштирилган жисмоний шахснинг хабарномаси асосида солиқ органлари томонидан сайёр солиқ текшируви ўтказиш ва айбдор шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиш жараёнида келиб тушган хабарлар солиқ органлари томонидан кўриб чиқилмайди ва бир марталик пул мукофоти тўланмайди.

Шу билан бирга, Давлат солиқ қўмитаси солиқ органларининг махсус дастури орқали бундай шахсларга илгари солиқ органига бошқа жисмоний шахс томонидан мурожаат келиб тушганлиги, шу асосда жойларда солиқ текшируви бошланганлиги ёки ўтказилаётганлиги ёхуд ўтказилган сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари асосида қарор қабул қилинаётганлиги тўғрисида хабар беради.

### **3-боб. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсларни рағбатлантириш**

15. Бир марталик пул мукофоти солиқ органларини махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолатлар ҳақида хабардор қилган жисмоний шахснинг банк картасига тўлаб берилади.



Махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсларга пул мукофотини тўлаш мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

16. Давлат солиқ қўмитаси айбдор шахс томонидан жарима тўланган кундан кейин уч кундан кечиктирмасдан, жисмоний шахсга тўланиши лозим бўлган бир марталик пул мукофоти сифатидаги тўловни ваколатли банкда очилган ҳисобрақамга ўтказиб беради.

Давлат солиқ қўмитаси солиқ ҳуқуқбузарликлари тўғрисида аниқланган фактлар ҳақида солиқ органларига хабар берган жисмоний шахсни солиқ органларининг махсус дастури орқали тўланиши лозим бўлган пул мукофоти миқдори тўғрисида хабардор қилади.

17. Ваколатли банк Давлат солиқ қўмитасининг топшириғига асосан пул маблағини солиқ органларининг махсус дастури орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини махсус дастур орқали хабардор қилганлиги учун бир марталик пул мукофоти олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахсларнинг банк карталарига кўчириб беради.

18. Давлат солиқ қўмитаси ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбланувчи шахсни жавобгарликка тортиш тўғрисида солиқ органининг қарори асосида бир марталик пул мукофотининг бутун суммасини солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсга Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси ҳисобидан тўлашга ҳақли.

Бунда, айбдор шахс томонидан солиқ органининг солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори олинган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда жарима суммаси ихтиёрий равишда тўланмаган тақдирда, солиқ органларига солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисида аниқланган фактлар тўғрисида хабар берган жисмоний шахсга белгиланган пул мукофоти тўлаб берилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 369-моддаси иккинчи қисми 16-бандига мувофиқ жисмоний шахс томонидан олинган бир марталик пул мукофоти бундай жисмоний шахснинг жами даромадига киритилмайди.

20. Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган ҳолатлари ҳақида солиқ органларини махсус дастур орқали хабардор қилган жисмоний шахс бир марталик пул мукофотини олишни рад қилган тақдирда, бу ҳақда махсус дастурда кўрсатади. Бунда солиқ органлари бундай шахсни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаши мумкин.

#### **4-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини махсус дастур орқали хабардор қилган жисмоний шахслар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилишга йўл қўйилмайди, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

22. Мукофот олиш мақсадида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабардор қилган жисмоний шахс томонидан ҳақиқатда харидлар амалга оширилганлигини товарнинг сурати, тўлов терминалининг чеки ва бошқа усуллар билан тасдиқлашини талаб қилишга, шунингдек, ҳақиқатда харидлар амалга оширилганлигига шубҳа туғилса, солиқ органлари ундан келиб тушган муурожаатни кўриб чиқиш учун асослар етарли эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

23. Солиқ органларини солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида махсус дастур орқали хабардор қилган жисмоний шахсларни рағбатлантириш бўйича солиқ органларининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги бўйича судга шикоят қилиниши мумкин.

24. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

25. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликка мувофиқ жавоб берадилар.

Махсус дастур орқали солиққа оид  
хуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар  
ҳақида солиқ органларини хабардор қилган  
жисмоний шахсларга пул мукофотини  
тўлаш тўғрисида низомга  
илова

Солиқ органларига солиқ хуқуқбузарликлари тўғрисида хабар берганлик учун  
жисмоний шахсларга пул мукофотини тўлаш  
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
<b>I. Аниқланган солиқ хуқуқбузарликлари тўғрисида солиқ органларига хабар бериш</b>			
1-босқич	Ариза берувчи	Солиқ органларининг махсус дастури орқали солиққа оид хуқуқбузарликларнинг аниқланган фактлари тўғрисида солиқ органларига хабар беради.	Солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланганда
2-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Қабул қилинган ариза асосида сайёр солиқ текширувини ўтказди.	Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига белгиланган муддатда (ўн кун давомида)
<b>II. Пул мукофотини тўлаш</b>			
3-босқич	Давлат солиқ қўмитаси	Жисмоний шахсларга бир марталик пул мукофоти сифатида тўланиши лозим бўлган суммани ваколатли банкда очилган ҳисобварағига ўтказиб беради.	Жарима тўланган кундан кейин уч кундан кечиктирмасдан
4-босқич	Банк	Аниқланган солиққа оид хуқуқбузарликлар тўғрисида солиқ органларининг махсус дастури орқали хабардор қилинганлик учун бир марталик пул мукофоти олиш хуқуқига ега бўлган жисмоний шахсларнинг банк карталарига пул маблағларини ўтказди.	Тўлов топшириқно-масига асосан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “12” майдаги 255-сон қарорига  
3-илова

## **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасига туташ ҳудудларда ердан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида” 1994 йил 26 сентябрдаги 480-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолига шошилиш тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2003 йил 2 декабрдаги 537-сон қарори 1-бандининг еттинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда ёдгорлик мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида” 2004 йил 16 июлдаги 337-сон қарори 4-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида йўловчи транспорти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 31 январдаги 11-сон қарори 4-бандида:

иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” 2011 йил 7 январдаги 6-сон қарорининг 1-иловаси қўйидаги мазмундаги 88-банд билан тўлдирилсин:

“88. Кўп квартирали уйни бошқариш (малака (аттестация) сертификатиغا эга бўлганлар)”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳар йўловчи ташиш автобуслари паркини янада янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 3 майдаги 119-сон қарорининг рус тилидаги матнидаги 10-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Установить, что передаваемые акционерной компанией “Тошшахартрансхизмат” структурным подразделениям 100 городских пассажирских автобусов модели “Mercedes-Benz Conecto Low Floor”, запасные части и диагностические приборы к ним не являются объектом обложения налогом на добавленную стоимость”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-сон қарори билан тасдиқланган Гаров реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди “б” кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) давлат солиқ хизмати органлари томонидан – суд ёки давлат солиқ хизмати органининг (банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун) тегишли қарори қабул қилинган сана ва тартиб рақами ёки солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларнинг санаси ва рақами”.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 декабрдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисида низомнинг 13-банди биринчи хатбошисидан “ушбу ташкилотлардан ундириш учун” сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 22 февралдаги 46-сон қарорида:

а) номидаги ва 1-банддаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

кириш қисми куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасига мувофиқ ҳамда чет элда ишлаган шахслар ва иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан ижтимоий солиқни тўлашнинг ягона механизмини ташкил этиш орқали пенсия қонунчилигини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади”;

б) 1-иловада:

номидаги ва 1-банддаги “ягона ижтимоий тўлов” ва “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари тегишинча “ижтимоий солиқ” ва “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-банднинг учинчи хатбошисидagi “суғурта бадалларини” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

3-бандда:

биринчи-тўртинчи хатбошилардаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатиб ўтилган шахслар Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ тўлаш шарти билан Қонунга мувофиқ давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўладилар.

Бунда пенсия миқдори Пенсия жамғармасига тўланган ижтимоий солиқ (суғурта бадали, ягона ижтимоий тўлов) миқдори ва иш стажининг давомийлигига боғлиқ бўлади”;

5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ижтимоий солиқ қайтариб берилмайди, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 103-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.”;

II боб ва 1-3-параграфларнинг номидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банднинг биринчи хатбошисидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс пенсия билан таъминланиш миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил равишда, бироқ йилига Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўлаш санасида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт ярим баробари миқдорда белгилаши мумкин”;

9-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан ва тўртинчи хатбошисидаги “СТИР” сўзи “ЖШШИР” сўзи билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

11-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошиларидаги “ягона ижтимоий тўлов” ва “ягона ижтимоий тўловнинг” сўзлари тегишинча “ижтимоий солиқ” ва “ижтимоий солиқнинг” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банддаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари тегишинча “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

биринчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари тегишинча “ижтимоий солиқ” сўзлари билан, “СТИР” сўзи “ЖШШИР” сўзи билан алмаштирилсин;

15-16-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Якка тартибдаги тадбиркор ва деҳқон хўжалиги аъзоси ўзи учун ўзидаги мавжуд имкониятлардан ва пенсия билан таъминланишнинг миқдоридан келиб чиқиб Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдорини мустақил равишда, бироқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган ижтимоий солиқнинг энг кам миқдоридан кам бўлмаган миқдорда белгилайди.

Якка тартибдаги тадбиркор оилавий тадбиркорлик субъектининг ҳар бир аъзоси, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ҳар бир ходим учун Пенсия жамғармасига ҳар ойда энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан ижтимоий солиқ тўлайди.

16. Ижтимоий солиқ:

якка тартибдаги тадбиркор ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари томонидан – ҳар ойда, тадбиркорлик фаолияти амалга оширилган ойнинг 15-кунидан кечикмай тўланади;

деҳқон хўжалиги аъзоси томонидан – ҳисобот йилининг 1 октябригача тўланади. Бунда ижтимоий солиқнинг миқдори тўлов кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Янги рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари томонидан ижтимоий солиқни тўлаш улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширилади.

Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича тўланган тақдирда ижтимоий солиқ тўланганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжатида кўрсатилган сана ижтимоий солиқ тўланган кун ҳисобланади. Тўлов ҳужжатида фамилияси, исми, отасининг исми, ЖШШИР ва тўлов амалга оширилаётган давр албатта кўрсатилиши шарт. Бунда оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзолари ва деҳқон хўжалиги аъзолари бўйича тўлов ҳужжати ҳар бир оила аъзоси учун алоҳида-алоҳида ёзилади. Агар тўлов ҳужжатида давр кўрсатилмаган бўлса, тўлов у амалга оширилаётган ой (деҳқон хўжаликлари аъзолари учун - йил) учун тўланган деб ҳисобланади”;

17-банддаги “Ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “Ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-бандда:

биринчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;



иккинчи хатбошидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

III бобнинг номидаги “ягона ижтимоий тўловни” сўзлари “ижтимоий солиқни” сўзлари билан алмаштирилсин;

19-банднинг биринчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

20-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошилардаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари тегишинча “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “60-моддасига” сўзлари “116-моддасига” сўзлари билан алмаштирилсин;

21 ва 33-бандлардаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

23-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ижтимоий солиқ тўланганлигини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар сифатида:

2018 йилгача – Пенсия жамғармасига суғурта бадалларининг тўланганлигини тасдиқловчи банк квитанциялари ва тўлов ҳужжатлари;

2018 йилдан бошлаб – давлат солиқ хизмати органларининг маълумотлари ҳисобланади.”;

34 ва 35-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“34. Пенсия тайинлаш учун яққа тартибдаги тадбиркорнинг (деҳқон хўжалиги раҳбарининг ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг) иш стажини ҳисоблаб чиқишда, агар Пенсия жамғармасига тўланган ижтимоий солиқ суммаси ушбу йилнинг барча ойлари учун белгиланган энг кам ижтимоий солиқдан кам бўлмаса (тўланган пеняларни ҳисобга олмаган ҳолда) иш стажига календарь йил қўшилади.

35. Деҳқон хўжалиги аъзосига, шунингдек, майдони тўрт сотихдан кам бўлмаган деҳқон хўжалигида, томорқа ерида банд бўлган ёки ушбу майдонда қорамол боқётган ёхуд 50 бошдан кам бўлмаган парранда парваришлаётган жисмоний шахсларга пенсия тайинлаш учун иш стажини ҳисоблаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 408-моддасида белгиланган Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ миқдори тўланганда иш стажига бир йил қўшилади”;

36 ва 37-бандлардаги “ягона ижтимоий тўлов” сўзлари “ижтимоий солиқ” сўзлари билан алмаштирилсин;

38-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Якка тартибдаги тадбиркор (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахс, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходим, деҳқон хўжалиги аъзоси ва оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзоси) томонидан Пенсия жамғармасига:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун ягона ижтимоий тўлов;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун ижтимоий солиқни тўлаш далили гувоҳлар кўрсатмалари билан тасдиқланмайди”;

39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“39. Пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган аниқ бир ой (йил) учун якка тартибдаги тадбиркорнинг (чет элда ёлланган ҳолда ишловчи шахсининг, солиқ агенти ҳисобланмайдиган иш берувчидан даромад олувчи ходимнинг ва деҳқон хўжалиги аъзосининг) даромади Пенсия жамғармасига тўланган ойлик (йиллик):

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – суғурта бадаллари суммасини Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ва фуқароларнинг суғурта бадалларининг умумий ставкасига;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун – ягона ижтимоий тўлов суммасини Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўловни тўлаш даврида амалда бўлган ягона ижтимоий тўлов (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ставкасига;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – ижтимоий солиқ суммасини Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқни тўлаш даврида амалда бўлган ижтимоий солиқ (микрофирмалар ва кичик корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликлари учун) ставкасига бўлиш ҳамда олинган натижани 100 га кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимнинг, шунингдек, оилавий тадбиркорлик субъекти оила аъзосининг пенсия миқдорини ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинадиган аниқ бир ой учун даромади:

2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўланган ойдаги;

2019 йил 1 январдан 2019 йил 31 декабргача бўлган давр учун – Пенсия жамғармасига ягона ижтимоий тўлов тўланган ойдаги;

2020 йил 1 январдан кейинги давр учун – Пенсия жамғармасига ижтимоий солиқ тўланган ойдаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорига тенг қилиб олинади”;

41-банддаги “суғурта бадалларини” сўзлари “ижтимоий солиқни (суғурта бадали, ягона ижтимоий тўлов)” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 40-банди саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“юрidik шахснинг манзилини ўзгартириш, шунингдек, юрidik шахсни бошқа юрidik шахсга қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш билан боғлиқ қайта рўйхатдан ўтказишда юрidik шахснинг базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан ортиқ солиқ қарзи мавжудлиги ёки амалга оширилган товар айланма ёхуд товарлар импорти бўйича реализация ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс этирилмаганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатларда топширмаганлиги”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 2-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган текширишлар натижасида қўшимча ундирилган суммалар (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказиладиган маблағлардан ташқари), шу жумладан, пенялар ҳамда солиқ қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган молиявий жазо чоралари суммаларининг 40 фоизи”;

б) 3-банднинг учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Бунда Махсус жамғармага маблағларни ўтказиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг таркибидаги давлат муассасалари учун тегишли шахсий ғазна ҳисобварақлари очилади”;

в) 12-банди “г” кичик банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш доирасида назорат харидларини амалга ошириш харажатлари”;

г) 14-банднинг биринчи хатбошисидаги “5 фоизи миқдорида” сўзлари “25 фоизи миқдоригача” сўзлари билан алмаштирилсин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 13 октябрдаги 823-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбошиси, 2-илова номи ва 1-бандидаги “бошқа мажбурий тўловлардан” сўзлари “ийғимлардан” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 1 ва 2-иловаларидаги барча “бошқа мажбурий тўловлардан” сўзлари “йиғимлардан” сўзи билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 1 декабрдаги 974-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошиси чиқариб ташлансин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон қарорида:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомда:

9-банднинг ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Солиқ маълумотларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхонаси”;

11-банд “а” кичик бандининг биринчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловларнинг” сўзлари “йиғимларнинг” сўзи билан алмаштирилсин;

11-банд “а” кичик бандининг тўққизинчи хатбошисидаги “молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)” сўзлари “солиқ аудитини ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-бандда:

“23)” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23) Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш бўйича суд тартибида чоралар кўриш (жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳамда терроризмни молиялаштириш, шунингдек, мазкур кичик банднинг иккинчи хатбошида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп бўлмаган муддатга тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

солиқ текширувини ўтказаетган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор

шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаётган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида”;

“25) кичик банддан “Хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан молиявий санкциялар суд тартибда қўлланади, улар содир этилган ҳуқуқбузарликлардаги айбини эътироф этган ва молиявий санкциялар суммасини ихтиёрий равишда тўлаган ҳолатлар бундан мустасно” сўзлари чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги 36-кичик банд билан тўлдирилсин:

“36) Солиқ ва йиғимларни йиғиш мақсадида давлат солиқ хизмати органларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри шартнома орқали қайтариш шarti билан тижорат банкларига “0” фоиз ставкада депозитга маблағ жойлаштириш”;

қуйидаги мазмундаги 37-кичик банд билан тўлдирилсин:

“37) тижорат банкларида корпоратив банк карталарини очиш ва улардан назорат харидларини амалга ошириш мақсадида фойдаланиш”.

15-банд учинчи хатбошисида “32” рақамидан кейин “ва 36” жумласи билан тўлдирилсин;

28-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“28. Солиқ органи солиқ тўловчининг айнан битта давр учун айнан бир хил солиқлар бўйича бир мартадан ортиқ солиқ аудитини ўтказишга ҳақли эмас, Солиқ кодексида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно”;

59-бандда:

“а” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“а) лавозим маоши (давлат солиқ хизмати органи ходимларининг лавозим маошини белгилашда Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига мувофиқ тариф коэффициентини 1,7 бараварга оширилган миқдорда)”;

“б” кичик банд биринчи хатбошисидаги “устамалар” сўзидан кейин “ва бошқа тўловлар” сўзлари билан тўлдирилсин;

“б” кичик банд қуйидаги мазмундаги еттинчи-саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“икки ойлик меҳнат ҳақи фонди миқдоридаги мукофот ва бир ойлик меҳнат ҳақи миқдоридаги моддий ёрдам тўлови;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа тўловлар”;

“в” кичик банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги “энг кам ойлик иш ҳақининг” сўзлари “базавий ҳисоблаш миқдорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

59<sup>1</sup>-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“59<sup>1</sup>. Давлат солиқ хизмати органи ходимларига мазкур низомнинг 59-банди а) ва б) кичик бандларида кўрсатилган лавозим маоши, устама ва

бошқа тўловларни молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобидан, в) кичик бандидаги бошқа тўловларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ҳамда кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади”;

61-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“61. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий муҳофаза, солиқ органларини ривожлантириш ҳамда кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан давлат солиқ хизматлари органларининг:

фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасига эга мансабдор шахсларига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,3 баравари миқдорида;

фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасига эга мансабдор шахсларига ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6,6 баравари миқдорида устама ҳақ тўланади”;

б) Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси тўғрисидаги низомда:

11-банднинг “б” кичик бандида:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“камерал солиқ текшируви, шунингдек, йирик солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилишининг қонунийлигини тасдиқлаш учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда сайёр солиқ текширувларини амалга оширади”;

ўнинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Йирик солиқ тўловчиларда солиқ аудити ўтказиш жараёнида солиқлар ва йиғимларнинг тўғри ҳисобланганлиги ва тўланганлигини, назорати солиқ органлари зиммасига юклатилган қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинганлигини солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларни, маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш йўли билан текширади”;

ўн биринчи хатбошидаги “молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)” сўзлари “солиқ аудитини ўтказиш” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг:

“4” кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4) йирик солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган маълумотлар ишончлилигини ҳамда йирик солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзлари қўлланилишининг қонунийлигини тасдиқлаш учун камерал солиқ текшируви натижаси бўйича қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жойига чиққан ҳолда сайёр солиқ текширувларини амалга ошириш”;

“20” кичик бандидан “фойда солиғи” сўзлари чиқариб ташлансин;

в) Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомнинг 3-бандида:

ўн олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“ҳар 100 минг нафар аҳолига ҳисоблаб чиққанда (кўп томонга яхлитланадиган 1:2 нисбатда) 1 штат бирлиги – туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида”;

йигирма иккинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“солиқ тўловчиларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш хизматида (давлат солиқ бошқармаларида ва туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида) – 2 штат бирлиги”;

**15.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 апрелдаги 343-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида пуллик таълим хизматларини кўрсатиш тартиби тўғрисида низомнинг 8-банди иккинчи хатбошиси ва 11-бандидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**16.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 майдаги 410-сон қарори билан тасдиқланган Импорт қилинган товарлар ҳаракатини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 8-банддаги “камерал назоратдан” сўзлари “камерал солиқ текшируви” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 9-банддаги “Камерал назорат” ва “70-моддасида” сўзлари тегишинча “Камерал солиқ текшируви” ва “138-моддасида” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 10-банддаги “Камерал назорат” ва “мавзули экспресс-ўрганиш” сўзлари тегишинча “Камерал солиқ текшируви” ва “сайёр солиқ текширувлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 11-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“11. Камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текшируви натижасига кўра:

импорт қилинган товарлар реализация қилинганлиги ҳужжат билан тасдиқланганда, товарларни реализация қилишдан тушган тушум суммасининг ҳисобга олиш регистрларида акс этирилмаганлиги, товарлар реализация қилинганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар алмаштирилганлиги, сохталаштирилганлиги ёки йўқ қилинганлиги, ҳисобда реализация қилинмаган деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда солиқлар ва йиғимлар ҳисобланади;

солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар берилиши натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли ва белгиланган муддатларда фойдаланилмаган ёки импорт қилинган товарларнинг имтиёзли давр тугашига қадар бошқаларга берилиши (сотилиши), шунингдек, ўз эҳтиёжи



(ишлаб чиқариши) учун импорт қилинган товарлар реализация қилинганлиги аниқланганда, солиқларни қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириш чоралари кўрилади”;

12-банддаги “Мавзули экспресс-ўрганишлар” ва “қонун ҳужжатларида” сўзлари тегишинча “Сайёр солиқ текширувлари” ва “қонунчилик ҳужжатларида” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) иловада:

3-босқич учинчи устунидаги “камерал назорат” ва “70-моддасида” сўзлари тегишинча “камерал солиқ текширувидан” ва “138-моддасида” сўзлари билан, тўртинчи устунидаги “1 иш куни мобайнида” сўзлари “2 кун муддатда” сўзлари билан алмаштирилсин;

4-босқич учинчи устуни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Агар солиқ тўловчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этмаса (шу жумладан аниқлаштирилган талабномадан кейин), ёхуд аниқланган тафовутлар бўйича асосномаларни тақдим этмаса, ёки у тақдим этган асосномалар етарли эмас деб топилса, солиқ тўловчида сайёр солиқ текширувини тайинлаш чораларини кўради”;

4-босқич тўртинчи устунидаги “7 календарь кун” сўзлари “30 иш куни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**17.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 майдаги 433-сон қарори билан тасдиқланган Инвесторларга янги меҳмонхона қуриш ва уни жиҳозлаш учун субсидия ажратиш ҳамда ташкилотларни франчайзинг тўғрисидаги шартнома асосида қисман молиялаштириш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратиш тартиби ҳақидаги низомнинг 5-банди иккинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**18.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 июндаги 512-сон қарори билан тасдиқланган Уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун танловларни ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 14-банди учинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**19.** Вазирлар Маҳкамасининг “Тошкент шаҳрида Вестминстер халқаро мактабини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 25 июндаги 527-сон қарорининг 10-банди “а” кичик банди иккинчи хатбошисидаги “солиқ ва давлат мақсадли жамғармасига мажбурий тўловлардан (ягона ижтимоий тўловдан ташқари)” сўзлари “солиқлар (ижтимоий солиқдан ташқари) ва йиғимлардан” сўзлари билан алмаштирилсин.

**20.** Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий давлатларнинг Ўзбекистон Республикасида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналари, консуллик муассасалари ва уларга тенглаштирилган ташкилотларга хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги 550-сон қарорининг 6-банди тўртинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**21.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 июлдаги 589-сон қарори билан тасдиқланган Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида низомда:

а) 9-банди қуйидаги мазмундаги г) кичик банди билан тўлдирилсин:

“г) солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқиладиган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш”;

б) 14-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинмаган ҳолда қўлланилганлиги”;

в) 18-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқиладиган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш”;

тўққизинчи хатбоши унинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

г) 21-банд қуйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларга тааллуқли бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳамда бошқа бошланғич ҳужжатларини автоматлаштириш йўналишларида ишлаб чиқилган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситалари (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилинмаган ҳолда қўлланилганда”;

тўққизинчи хатбоши унинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

д) 27-банддаги “бошқа мажбурий тўловларни” сўзлари “йиғимларни” сўзи билан алмаштирилсин.

**22.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги 626-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мактабгача таълим муассасаларида аутсорсинг усулида соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди бешинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**23.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 668-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўриқлаш бўлинмалари томонидан жисмоний ва юридик шахслар мол-мулки ҳамда объектларини қўриқлаш борасида кўрсатиладиган хизматлар тарифларини белгилаш методикасида:

3-банддаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин;

6-банднинг ўн биринчи хатбошисидаги “мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**24.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 августдаги 693-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг тегишли бўлинмаларида овқатланишни ташкил этиш бўйича аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-банди тўртинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлардан” сўзлари “йиғимлардан” сўзи билан алмаштирилсин.

**25.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 сентябрдаги 750-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларининг кинолог ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака тоифасини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 12-илоvasи 7-бандидаги “мажбурий тўловлар” сўзлари “солиқлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**26.** Вазирлар Маҳкамасининг “Онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал касса тизими қўлланилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорида:

а) 2-банди куйидаги тахрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов тизими орқали электрон фискал чек тақдим қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1а-илоvasа мувофиқ”;

учинчи-бешинчи хатбошилари тегишинча тўртинчи-олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 1-илоvasида:

1-бандида “виртуал кассаларни” сўзларидан кейин “ҳамда электрон тўлов тизимларини” сўзлари қўшилсин;

2-банд:

куйидаги тахрирдаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) электрон миллий каталогининг товарлар ва хизматларнинг идентификация коди – бу маҳсулот ёки хизматларнинг маълум бир турига таёрланган белгилар (рақамлар) тўплам кўринишдаги идентификация коди”;

тўртинчи-ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча бешинчи-йигирманчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

олтинчи хатбошисидаги “виртуал кассалар” сўзларидан кейин “Маркетплейс” сўзлари қўшилсин;

еттинчи хатбошисидаги “ёрдамида” сўзи “ёки электрон рақамли имзо орқали” сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошисидаги “виртуал кассадан” сўзларидан кейин “ёки Маркетплейсдан” сўзлари қўшилсин;

3-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фақат белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган онлайн-НКМ ва виртуал кассалар ёки Маркетплейсдан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда онлайн-НКМ, виртуал касса, Маркетплейс тушунчалари солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида “назорат-касса техникаси” номи билан қўлланилади. Давлат реестрига киритилмаган, касса чекларида маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги идентификациялаш кодлари акс эттирилмайдиган, шунингдек, штрих-кодлар ва рақамли маркировка белгиларини эркин ўқиш ҳамда аниқлаш қурилмаларини улаш имкониятига эга бўлмаган онлайн-НКМ ва виртуал касса ёки Маркетплейслардан фойдаланишга йўл қўйилмайди”;

4-банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи-учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Чакана савдо ва умумий овқатланиш хизматларини кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилаётган автоматлаштирилган ҳисобга олиш ўлчов воситаларини (ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлари) мажбурий равишда солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши ва Давлат реестрига киритиши лозим. Бунда, ўз автоматлаштирилган ҳисоб юритиш комплексларини виртуал касса сифатида Давлат реестрига киритишда (киритгандан кейин) тадбиркорлик субъектлари ва техник хизмат кўрсатиш марказлари томонидан рўйхатга олинган виртуал касса сонидан келиб чиқиб, ваколатли органнинг депозит ҳисоб-рақамига захира суммасини қўйиш талаби тадбиқ этилмайди.

Харид чекини тўлиқ миқдорда шакллантирилиши ҳамда белгиланган тартибда харидорга тақдим этилиши учун масъулият тадбиркорлик субъектлари зиммасига юклатилади”;

6-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. Онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланишга ўтган тадбиркорлик субъектлари томонидан тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга шунингдек жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун электрон тўлов тизимлари орқали амалган оширилган тўловлар учун онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ёки виртуал кассанинг электрон чеки берилиши шарт.

Техник имкониятга эга онлайн-НКМ қурилмалари банк карталаридан тўловларни қабул қилиш тизимларига мажбурий уланиши, шунингдек, барча онлайн-НКМ ва виртуал кассаларда мажбурий равишда 2d сканер қурилмаси қўлланилиши шарт”;

7-банди:

иккинчи хатбошисидаги “виртуал касса” сўзларидан кейин “ёки Маркетплейс орқали шакллантириладиган” сўзлари қўшилсин;

қуйидаги саккизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Комитент (воситачи) СТИРи”;

тўққизинчи хатбошидаги “коди” сўзи “белгиси” сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги ўн учинчи ва ўн тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ўлчов бирлиги;

олиб ташлаш”;

қуйидаги таҳрирдаги йигирма учинчи- йигирма олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“тўлов тури (сотув, қайтариш, бўнак, бўлиб тўлаш, кредит). Бунда тўловнинг бўнак, бўлиб тўлаш, кредит турлари бўйича шакллантирилган чекларда QR-код ва фискал белги мавжуд бўлмайди;

Операторга юбориладиган чекдаги товарлар ва хизматлар кодлари (улар мавжуд бўлган ҳолларда) халқаро “GS1” ёки бошқа глобал тизимлар, шунингдек ваколатли орган томонидан шакллантирилган товарлар ва хизматлар кодлари асосида юритиладиган рақамлар билан бир хил бўлиши лозим;

“Бўлиб тўлаш” ва “Бўнак” сифатида шакллантирилган касса чекларида QR-код ва фискал белги акс эттирилмайди”;

саккизинчи-йигирма олтинчи хатбошилари тегишинча тўққизинчи-ўттиз биринчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

9-банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи-учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“ТХКМга тўловлар фақат кўрсатилган хизматлар учун шартномада назарда тутилган шарт ва миқдорда амалга оширилади. Бунда, шартнома шартлари тадбиркорлик субъекти томонидан бажарилмаганда ҳам унга кўрсатиладиган хизматларнинг тўхтатиб қўйилишига йўл қўйилмайди ва шартномага оид низоли ҳолатлар суд тартибида ҳал этилади.

ТХКМ томонидан тадбиркорлик субъектларининг талаблари бўйича фақат кўрсатилган хизматлар учун тўлов ундирилиши лозим”;

11-банддаги “виртуал касса носозлиги даврида,” сўзларидан кейин “йўқотилган ёки ўғирланган ҳолларда” сўзлари билан тўлдирилсин;

12-банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Фискал модуллар тадбиркорлик субъекти томонидан ТХКМга қайтариш жараёнида ТХКМ онлайн-НКМ ва виртуал кассадаги чек маълумотларини операторнинг маълумотлар базасига юборилмай қолган қисмини юбориши шарт”;

31-банддаги “оффлайн режимда шаклланган чекни” сўзларидан кейин “48 соат ичида, шунингдек, онлайн режимига ўтгандан кейин” сўзлари билан тўлдирилсин;

32-банддаги “ҳолларда” сўзидан кейин “шунингдек, фаолиятини вақтинча тўхтатганда” сўзлари қўшилсин;

38-банди қуйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда фойдаланувчи томонидан қайтариш касса чек шакллантирилади”;

қуйидаги мазмундаги 38<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“38<sup>1</sup>. Илгари амалга оширилган ҳисоб-китобларга ўзгартиришлар киритиш зарур бўлган ҳолларда фойдаланувчи томонидан тузатувчи касса чеки шакллантирилади.

Тузатувчи касса чеки фойдаланувчи томонидан илгари онлайн-НКМдан фойдаланмасдан ҳисоб-китоб қилган ҳолларда онлайн-НКМдан фойдаланиш мажбуриятини бажарилишини таъминлаш мақсадида ёки онлайн-НКМдан ушбу Низом талаблари бузилган ҳолда фойдаланилганда шакллантирилади.

Тузатувчи касса чеки тафовут аниқланган ойдан кейинги ойнинг ўнинчи кундан кечиктирмай шакллантирилади”.

55-банд:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тўловларни белгиланган муддатда тўлаб берилмаслик ҳолатлари тадбиркорлик субъектига кўрсатиладиган хизматларни тўхтатиб қўйишга асос бўла олмайди”;

в) қарор қуйидаги таҳрирдаги 1а-илова билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарорига  
1а-илова

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов ташкилоти ва (ёки) электрон тижорат платформалари (Маркетплейс) орқали электрон фискал чек тақдим қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом аҳоли билан Маркетплейс орқали амалга оширилган пулли ҳисоб китоблар учун харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари қуйидагиларга татбиқ этилади:

Маркетплейс орқали аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширилганда харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш;

тадбиркорлик субъектлари томонидан харидорларга жойларда харид қилинган маҳсулот ва хизматлар учун Маркетплейс орқали амалга оширилган тўловлар учун онлайн-НКМ ёки виртуал касса чекларини тақдим қилиш;

жойларда амалга оширилган тўловлар тўғрисидаги маълумотларни операторга юбориш.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

фискал маълумотлар – ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотлар, ҳисоб-китобларни амалга оширувчи тадбиркорлик субъекти тўғрисида маълумот, ҳисоб-китобда фойдаланиладиган Маркетплейс орқали яратилган бошқа маълумотлар;

виртуал фискал модул рақами – оператор томонидан очиқ калит сертификати кўринишида бериладиган махсус дастурий таъминот;

Маркетплейс – оператор тизимига боғланиш имкониятига эга бўлган, операторга тақдим қилган чек маълумотлари асосида онлайн режимда фискал белгиларни қабул қилувчи, чекларни электрон шаклда харидорларга юбориш функциясига эга бўлган техника воситаларидан, ахборот технологияларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан фойдаланган ҳолда электрон тўлов ҳужжатлари воситасида нақд ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизими;

Маркетплейс реестри – қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган Маркетплейслар рўйхати.

Маркетплейс фойдаланувчиси – товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишда фискал маълумотларни Маркетплейс сервери орқали операторга юборувчи тадбиркорлик субъекти.

4. Фискал чек маълумотларни операторга юборилиши Маркетплейснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаш орқали амалга оширилади.

5. Операторга юбориладиган маълумотларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги бўйича Маркетплейс жавобгар ҳисобланади.

#### 2-боб. Операторга электрон фискал чек маълумотларини юбориш тартиби

6. Маркетплейслар тартиб рақам билан электрон фискал чек маълумотларини операторга юборади.

7. Оператор томонидан чек маълумотларига фискал белги яратиб, QR-код билан Маркетплейсларга қайтарилади.

8. Маркетплейс орқали харид чеки электрон шаклда тақдим этилганда, оператордан олинган электрон фискал чекнинг хаволасини харидор кўрсатган абонент рақамига ёки электрон почта манзилига, ёхуд харидорнинг шахсий кабинетига юборилиши таъминлайди.

9. Маркетплейс орқали реализация қилинган товар (хизмат) учун чек қоғоз шаклда тақдим этилган тақдирда, қоғоз чек ушбу қарорнинг 1-илова 7-банди талабларига мос равишда шаклланиши лозим.



### 3-боб. Маркетплейс вазифалари ва мажбуриятлари

10. Маркетплейслар харидорларга электрон фискал чек тақдим қилиш учун операторнинг махсус ахборот тизими билан интеграция қилади.

11. Маркетплейслар:

фискал чек маълумотларни шакллантириш, юбориш, қабул қилиш ва сақлаш имкониятини берадиган ахборот тизимига;  
call-марказига эга бўлиши лозим.

12. Маркетплейслар ўзининг маълумотлар базасида шакллантирилган фискал чек маълумотларни камида 5 йил давомида сақланишини ва фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотлари ҳимоя қилиниши уларнинг конфиденциаллигини таъминлаши шарт, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

### 4-боб. Маркетплейсларни Давлат реестрига киритиш

13. Маркетплейсларни Давлат реестрига киритилиши учун ваколатли органга 1-иловага мувофиқ белгиланган шаклда Маркетплейслар томонидан ариза билан мурожаат қилинади.

14. Ваколатли орган томонидан ариза берувчига Маркетплейсларга Давлат реестрига киритиш тўғрисидаги қарор нусхаси ёки уни рад этиш сабаби кўрсатилган жавоб хати ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш иш кунида электрон ёки ёзма тарзда мурожаатчига тақдим этилади.

15. Давлат реестрига киритиш рад этилганда, ариза берувчи камчиликларни бартараф этиб, ваколатли органга такроран мурожаат қилиши мумкин.

### 5-боб. Маркетплейсларни Давлат реестридан чиқариш

16. Маркетплейсларни қуйидаги ҳолларда Давлат реестридан чиқарилади:

Маркетплейс тугатилганда, банкрот деб эътироф этилганда;  
унинг фаолиятига нисбатан қонунчилик ҳужжатлари талаблари ўзгарганда;

ваколатли органга қилган мурожаатига мувофиқ.

17. Қонунчиликда белгаланган талаблар бажарилмаган тақдирда ваколатли орган томонидан Давлат реестрига киритилган Маркетплейсни ёзма огоҳлантирилган ҳолда оператор тармоғидан вақтинчалик ёки бутунлай узиши ва Давлат реестридан чиқариши мумкин.

18. Маркетплейсни Давлат реестридан чиқариш ваколатли органнинг қарори асосида амалга оширилади.

### 6-боб. Фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш

19. Маркетплейс орқали аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишчи тадбиркорлик субъектлари 2-иловага мувофиқ Маркетплейс билан ўзаро шартнома тузади.

20. Маркетплейс ўзаро шартнома тақдим қилган тадбиркорлик субъекти маълумотларини операторнинг махсус ахборот тизимида қайд этади.

21. Юборилган аризанинг маълумотларни нотўғри ёки белгиланган тартибда тўлдирилмаган бўлса Давлат солиқ хизмати органлари ходими томонидан рад қилинади. Маркетплейс камчиликларни бартараф қилиб 2-бандга мувофиқ қайта ариза юбориши мумкин.

#### 7-боб. Яқуний қоидалар

22. Ваколатли орган ва оператор ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ назоратни амалга оширадилар.

23. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар”;

г) 2-иловининг 3-банди:

еттинчи хатбошида “техник жиҳатдан имконият бўлганда” сўзлари “реал вақт режимида автоматлаштирилган кузатиш тизими (GPS) билан жиҳозланган бўлиши” сўзлари билан алмаштирилсин.

қуйидаги таҳрирдаги ўнинчи-ўн учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“электрон тўлов тизимларига мажбурий уланиши;

штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларга (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) эга бўлиши;

Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификациялаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида қурилма хотирасига юклаш имконияти;

банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш имконияти”;

ўнинчи-ўн учинчи хатбошилари тегишинча ўн тўртинчи-ўн еттинчи хатбошилари деб ҳисоблансин;

6-банд қуйидаги таҳрирдаги саккизинчи-ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“штрих-кодлар ва рақамли маркировка кодларини тўғри ўқишни ва аниқлашни таъминловчи махсус қурилмаларга (2D-сканерлар, маълумотларни йиғувчи терминаллар ёки бошқа турдаги махсус қурилмалар) эга бўлиши;

Маҳсулотлар (товар ва хизматлар) ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификациялаш кодлари тўғрисидаги маълумотларни реал вақт режимида қурилма хотирасига юклаш имконияти;

банк карталари орқали тўловларни қабул қилиш имконияти”;

саккизинчи-ўнинчи хатбошилари тегишинча тўққизинчи-ўн биринчи хатбошилари деб ҳисоблансин.

д) 3-илова:

6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“6. ТХКМ:

тадбиркорлик субъектларида ўрнатилган онлайн-НКМ қурилмалари ва виртуал кассаларни мажбурий тартибда бир йилда бир марта техник ва дастурий кўриқдан ўтказиш ва ўрганиш натижаларини уч иш кунида махсус ахборот тизимида қайд этади, шунингдек, солиқ тўловчининг шахсий кабинетига хабарнома юборишга;

матрицали штрихли кодни (QR-код) сканерлаш ёки чекларнинг фискал белгисини киритиш орқали солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин бўлган онлайн-НКМ ва виртуал касса чекларининг сифатли чоп этилишини;

солиқ органларига тегишли сўровлар юбориш йўли билан кунига камида бир марта маҳсулот (товарлар ва хизматлар)нинг электрон миллий каталоги товарларнинг (хизматларнинг) идентификация кодлари реестрини уларнинг маълумотлар базаларида янгилаб боришини таъминлашга мажбур”.

9-банди тўққизинчи хатбошисидаги “ва (ёки) ишончсиз ҳужжатлар тақдим этилган” сўзлари чиқариб ташлансин;

19-банди учинчи хатбошиси “(виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш маркази бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

Онлайн-НКМ ва (ёки) виртуал кассаларга техник хизмат кўрсатиш марказларининг давлат реестрини юритиш ҳамда уларга қўйиладиган алоҳида талабларга илованинг 1-банди “(виртуал кассага техник хизмат кўрсатиш маркази бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

25-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи ва саккизинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:

“аҳолига матрицали штрихли код (QR-код) ёки фискал хусусиятни киритиш орқали чекларнинг фискал белгисини сканерлаш орқали солиқ органларининг махсус мобил иловасида рўйхатдан ўтказилмайдиган онлайн-НКМ ва виртуал касса чеклари берилганда;

маҳсулотлар (товарлар ва хизматлар) электрон миллий каталогининг товарлар (хизматлар) идентификация кодлари реестри уларнинг маълумотлар базаларида янгиланмаганлиги ёки хизмат кўрсатилаётган миқдорлар томонидан касса чекларида нотўғри акс этирилганлиги ҳолатлари аниқланганда.”

е) 4-иловада:

8-банднинг биринчи хатбошисидаги “ва виртуал касса” сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг биринчи хатбошисидаги “ёки виртуал касса дастурий таъминоти” сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг иккинчи хатбошисидаги “ва (ёки) виртуал касса” сўзлари чиқариб ташлансин;

10-банднинг саккизинчи хатбошисидаги “ва (ёки) ишончсиз хужжатлар тақдим этилган” сўзлари чиқариб ташлансин;

11-банд учинчи хатбошиси “(виртуал касса бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин;

11-банд қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда “Киберхавфсизлик маркази” давлат унитар корхонаси томонидан экспертиза хулосаси ариза келиб тушган кундан бошлаб 15 иш кунидан кечиктирмасдан тақдим этилади”;

19-банди олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“онлайн-НКМ ёки виртуал касса ёхуд Маркетплейс техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолатда қўлланилганда ва ушбу ҳолатлар ваколатли орган томонидан огоҳлантирилгандан кейин ҳам бартараф этилмаганда”;

қуйидаги мазмундаги 20<sup>1</sup>-20<sup>2</sup>-бандлари билан тўлдирилсин:

“20<sup>1</sup>. Мазкур Низомнинг 19-банди иккинчи–тўртинчи ва олтинчи хатбошиларида белгиланган асослардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлганда, онлайн-НКМ ёки виртуал касса ёхуд Маркетплейс ишлаб чиқарувчи юридик шахсга (агар чет эл корхонаси бўлса унинг ваколатли вакилига) ваколатли орган томонидан ушбу ҳолатларни ўн кун ичида бартараф этиш ҳақида огоҳлантириш хати юборилади.

20<sup>2</sup>. Ваколатли органнинг огоҳлантириш хати юборилган санадан бошлаб ўн кун ичида унда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилмаганда, онлайн-НКМ ёки виртуал касса ёхуд Маркетплейсни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида ваколатли органнинг қарори қабул қилинади”;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўлланиши рухсат этилган онлайн назорат-касса машиналари ва виртуал кассаларнинг Давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-илованинг 1-банди “(виртуал касса бундан мустасно)” сўзлари билан тўлдирилсин.

**27.** Вазирлар Маҳкамасининг “Сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 декабрдаги 982-сон қарорида:

а) 9-банднинг учинчи хатбошисидаги ва 10-бандидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг:

номидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин;

жадвал шакли олтинчи-ўнинчи устунлари сарлавҳасидаги “бошқа мажбурий тўловлардан” сўзлари “йиғимлардан” сўзи билан алмаштирилсин.

**28.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 январдаги 8-сон қарори билан тасдиқланган Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-илованинг 13-банди бешинчи хатбошисидаги, 17-банди биринчи ва бешинчи хатбошиларидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин;

б) 2-иловага 1-илованинг 10-банди биринчи позицияси тўртинчи графасидаги “бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**29.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасидаги ташкилотларда аутсорсинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди тўртинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловлардан” сўзлари “йиғимлардан” сўзи билан алмаштирилсин.

**30.** Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта ҳосили теримини механизациялаш даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 14 январдаги 21-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошисидаги “бюджет олдидagi бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**31.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 февралдаги 76-сон қарори билан тасдиқланган Товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилишда қўшилган қиймат солиғи тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини тўлаш муддатини узайтириш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-банди учинчи хатбошисидаги “бошқа мажбурий тўловларни” сўзлари “йиғимларни” сўзлари билан алмаштирилсин.

**32.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 мартдаги 156-сон қарори билан тасдиқланган Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандидаги “бошқа тўловлар” сўзлари “йиғимлар” сўзи билан алмаштирилсин.

**33.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 15 майдаги 287-сон қарори билан тасдиқланган Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими тўғрисидаги низомнинг 12-иловаси 1.7-бандидаги “солиқ тўловлари ва бошқа мажбурий тўловлар” сўзлари “солиқлар ва йиғимлар” сўзлари билан алмаштирилсин.

**34.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 октябрдаги 636-сон қарори билан тасдиқланган Узоқ масофада жойлашган ва муҳим аҳамиятга эга бўлган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг вахта усули тўғрисидаги низомнинг 2-банди биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Вахта усули корхонадан узоқ масофада жойлашган шароитда ишларни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш асосида ташкил қилишнинг шакли ҳисобланади. Вахта усули чекка ва узоқ ҳудудлардаги ижтимоий соҳа ва муҳим объектларда қурилиш, таъмирлаш, ишлаб чиқариш объектларини реконструкция қилиш, бошқа саноат ишлари амалга ошириладиган, лекин маҳаллий меҳнат ресурслари билан таъминламаган ҳудудларда қурилиш муддатларини қисқартириш мақсадида қўлланади”.

**35.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 ноябрдаги 736-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-бандидаги “ўн” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин.

**36.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган Солиқ текширувларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 18-банднинг бешинчи хатбошисидаги “ўн кун муддатда” сўзлари “беш кун ичида” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 19-бандда қуйидаги мазмундаги йигирма бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“жисмоний шахсларнинг солиққа оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида муурожаатлари бўйича улар тўғрисида қонунчилик ҳужжатларида мукофот тўлаш назарда тутилган бўлса, солиқ тўловчи томонидан солиқ қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятларнинг бажарилишини текширмаслик, агар улар сайёр солиқ текшируви предмети ҳисобланмаса ва солиқ органининг ушбу текширишни тайинлаш тўғрисидаги буйруғида кўрсатилмаган бўлса”;

йигирма бешинчи–ўттиз биринчи хатбошилар тегишлича йигирма олтинчи–ўттиз иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

в) II бўлим номланишидаги “камерал солиқ текширувини” сўзлари “солиқ текширувларини” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 21-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши тўлдирилсин:

“текширувдан олдинги таҳлил натижаларида аниқланган тафовутлар бўйича солиқ тўловчига солиқ органи томонидан юборилган хабарномага жавобан хабарнома олинган кундан эътиборан ўн кун муддатда солиқ тўловчи томонидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёхуд асослантиришлар тақдим этилмаганда”;

д) иккинчи–олтинчи хатбошилар тегишинча учинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

е) қуйидаги мазмундаги 21<sup>1</sup>–21<sup>4</sup>-бандлар билан тўлдирилсин:

“21<sup>1</sup>. Солиқ органлари камерал солиқ текшируви ўтказилиши бошлангунига қадар текширувдан олдинги таҳлилни ўтказиши мумкин.

Текширувдан олдинги таҳлил тақдим этилган солиқ ҳисоботи ва солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборотнинг солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда, солиқ тўловчининг иштирокисиз ўтказиладиган автоматлаштирилган таҳлилини ифода этади.

21<sup>2</sup>. Текширувдан олдинги таҳлил солиқ органи раҳбарининг (раҳбар ўринбосарининг) буйруғисиз ва солиқ тўловчини жалб қилмаган ҳолда амалга оширилади.

21<sup>3</sup>. Агар текширувдан олдинги таҳлил чоғида солиқ органи томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботида солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар билан тафовутлар ва (ёки) хатолар аниқланса, солиқ тўловчига солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ ҳисоботига тегишли тузатишлар киритиш тўғрисида 3-а-иловага мувофиқ шаклда хабарнома юборилади.

Солиқ тўловчи кўрсатилган хабарномани олган кундан эътиборан ўн кун муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини ёки аниқланган тафовутларнинг асосномасини тақдим этиши шарт.

21<sup>4</sup>. Текширувдан олдинги таҳлил аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи ёки аниқланган тафовутлар асосномаси солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ёхуд камерал солиқ текшируви тайинлаган санадан эътиборан яқунланган ҳисобланади”;

ж) 24-банддаги “ўн” сўзи “беш” сўзи билан алмаштирилсин;

з) 39-банддаги “ўн кун муддатда” сўзлари “беш кун ичида” сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 48-бандда:

биринчи хатбошидаги “Солиқ кодексининг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бундан мустасно” сўзлари чиқариб ташлансин;

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

к) 49-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“49. Солиққа оид ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги далолатнома ва камерал солиқ текширувининг бошқа материаллари кўриб чиқилганидан кейин натижалари бўйича беш кун ичида солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) қўшимча солиқлар ва пеня ҳисоблаш ёки уларни рад этишни назарда тутувчи қарор қабул қилади”;

л) 50-банддаги “солиқ тўловчини жавобгарликка тортиш ва қўшимча солиқларни ҳисоблаш” сўзлари “солиқ тўловчига нисбатан қўшимча солиқларни ва пеняни ҳисоблаш” сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 51-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

н) 54-банднинг биринчи хатбошисидаги “солиқ, пеня ва молиявий жарималар” ҳамда иккинчи хатбошисидаги “солиқлар, пеня ва молиявий жарималар” сўзлари тегишинча “солиқлар ва пенялар” сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 57-банд куйидаги мазмундаги тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларни содир этган жисмоний шахсларнинг мурожаати солиқ органларига аввал келиб тушган ва унинг асосида солиқ органлари томонидан сайёр солиқ текшируви ўтказаетган ёки сайёр солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан тегишли қарор қабул қилинаётган бўлса, солиқ органлари қонунчилик ҳужжатларида эвазига ҳақ тўланиши назарда тутилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ва уларни содир этган шахслар тўғрисида такрор келиб тушган хабарлар асосида сайёр солиқ текширувларини ўтказмаслик ҳуқуқига эга”;

п) 83-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“83. Назорат харидини ўтказишда нақд пул маблағлари ва банк пластик карталаридаги маблағлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Назорат харидини ўтказишда фойдаланиш учун нақд пул маблағлари Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахс назорат харидини ўтказиш учун нақд пул маблағларини тегишли солиқ органи кассасидан олади.

Нақд пул маблағларини сайёр солиқ текширувини ўтказиш учун мансабдор шахсга беришда уларнинг қиймати, банкнота серияси ва рақамлари алоҳида варақда қайд этилиб, чиқим касса ордерига илова қилинади. Мазкур варақ нусхаси сайёр солиқ текширувини ўтказувчи мансабдор шахсга берилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тижорат банкларида корпоратив банк карталарини очиш ва сайёр солиқ текширувларини ўтказишда назорат харидларини амалга ошириш учун улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Банк карталаридан фойдаланган ҳолда назорат харидини амалга ошириш пайтида жисмоний шахснинг шахсий банк картасидан ёки Давлат солиқ қўмитаси томонидан тижорат банкларида очилган корпоратив банк карталаридан фойдаланилади.

Солиқ органлари томонидан корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган назорат харидлари Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Назорат харидларини амалга ошириш учун Давлат солиқ қўмитаси томонидан тижорат банкларида очилган корпоратив банк карталарини сақлаш функцияларини бажарувчи ваколатли шахслар сайёр солиқ текширувларини ўтказишни амалга оширувчи бўлинмаларнинг раҳбарлари (раҳбар ўринбосарлари) ҳисобланади.

Назорат харидларини амалга ошириш учун олинган маблағларнинг мақсадли сарфланиши учун солиқ органларининг сайёр солиқ текширувларини ўтказадиган бўлинмаларининг раҳбарлари (раҳбар ўринбосарлари) шахсан жавобгардир.

Корпоратив банк карталаридан фойдаланган ҳолда назорат харидларини амалга ошириш учун зарур бўлган маблағлар миқдори Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Назорат хариди жараёнида банк карталаридан фойдаланилган пул маблағларини қайтариб бериш вазифаси назорат хариди ўтказилган солиқ тўловчи зиммасига юкланади”;

р) 117-банд қуйидаги мазмундаги учинчи–бешинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Сайёр солиқ текшируви доирасидаги ҳаракатлар амалга оширилганлигини тасдиқловчи далолатнома ва бошқа ҳужжатлар планшет ёки компьютер техникаси ёрдамида электрон рақамли имзодан (бармоқ изи ёки график имзо) фойдаланган ҳолда электрон шаклда тузилиши мумкин.

Агар электрон шаклдаги солиқ текшируви ҳужжатларида махсус QR-код мавжуд бўлса, бу ҳужжатлар қоғоз шаклидаги ҳужжатларга тенглаштирилади.



Электрон шаклда тузилган далолатнома текшириш кунидан кечиктирмай солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали солиқ тўловчига юборилади. Агар солиқ тўловчининг шахсий кабинетининг ҳолати фаол бўлмаган тақдирда, далолатнома қоғоз кўринишида почта орқали юборилади”.

с) 177-бандда “солиқ органи раҳбари” сўзларидан кейин “(раҳбар ўринбосари)” сўзлари қўшилсин.

т) қуйидаги мазмундаги 3-а-илова билан тўлдирилсин:

“

Солиқ текширувларини ташкил  
этиш ва ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
3-а-илова

\_\_\_\_\_ га  
*солиқ тўловчининг номи*  
**СТИР** \_\_\_\_\_  
*солиқ тўловчининг  
идентификация рақами*  
\_\_\_\_\_ *жойлашган манзили (почта манзили)*

## СОЛИҚ ҲИСОБОТИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА ХАБАРНОМА

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 21-моддасига мувофиқ солиқ тўловчи солиқ солиш объектларини ҳисобга олишда, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ўзи йўл қўйган хатоларни мустақил равишда тузатиш ҳуқуқига эга.

Солиқ кодексининг 138-моддасига асосан ўтказилган текширувдан олдинги таҳлилда солиқ ҳисоботларингизда жами \_\_\_\_\_ сўм тафовут ва (ёки) хатолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан:

Т/р	Мезон рақами	Тафовут ва хатонинг келиб чиқиш сабаби	Солиқ тури коди	Солиқ тури	Солиқ даври	Тафовут суммаси (сўмда)

Ушбу хабарнома олинган кундан эътиборан 10 кун муддатда аниқлаштирилган солиқ ҳисоботларини ёки тафовутларнинг асосномасини солиқ органига тақдим этишингиз шарт.

Тафовутларни асословчи ҳужжатлар ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик, солиқ органи томонидан солиқ тўловчида камерал солиқ текширувининг ўтказилишига асос бўлади.

*Мазкур хабарнома Давлат солиқ қўмитасининг марказий маълумотлар базаси ахборотлари асосида автоматик шакллантирилган.*

37. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 майдаги 294-сон қарори билан тасдиқланган Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 1-илоvasи 4-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

“

4.	Солиқ қарзи	(Мавжуд эмас ёки ___ млн. сўм микдорида солиқ қарздорлик мавжудлиги кўрсатилади)
----	-------------	--

”

